

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ,
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

КАИПБЕРГЕНОВА ГУЛЖАМИЛА РАСБЕРГЕНОВНА

**МИНЕРАЛ ТУЗЛАР ТЎПЛАНИШИГА ҚАРШИ ОЛТИНГУГУРТЛИ
ИНГИБИТОРЛАР СИНТЕЗИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Каипбергенова Гулжамила Расбергеновна Минерал тузлар тўпланишига қарши олтингугуртли ингибиторлар синтези ва технологияси	3
Каипбергенова Гулжамила Расбергеновна Синтез и технология серосодержащих ингибиторов отложения минеральных солей	21
Kaipbergenova Guljamila Rasbergenovna Synthesis and technology if sulfur-containing sedimentation inhibitors mineral salts	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	43

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.T.04.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ,
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

КАИПБЕРГЕНОВА ГУЛЖАМИЛА РАСБЕРГЕНОВНА

**МИНЕРАЛ ТУЗЛАР ТЎПЛАНИШИГА ҚАРШИ ОЛТИНГУГУРТЛИ
ИНГИБИТОРЛАР СИНТЕЗИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Г2355-рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-kimyo.nuu.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кади́ров Хасан Иргашевич
техника фанлари доктори (DSc), доцент

Расмий оппонентлар:

Кади́ров Тўлқин Жумаевич
техника фанлари доктори, профессор

Ка́римов Масъуд Убайдулла ўғли
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

«Фан ва тараққиёт» ДУК

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «24» 11 соат 11 дақиқадаги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч., 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (19 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч., 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2021 йил «11» 11 куни тарқатилган.
(2021 йил «11» 11 дақиқадаги № рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

С.М. Туробжонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.И. Кади́ров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., доцент

[Handwritten signature]
Т. Раҳмонбердис

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёда нефт-газ, кимё, энергетика, гидрометаллургия саноатларида минерал тузлар тўпланишига қарши ингибиторлардан фойдаланиш йилдан йилга ошмоқда. Шу билан бирга, агрессив муҳитларда ишловчи қурилмаларни муддатидан аввал яроқсиз ҳолга келишни олдини олувчи, мавжуд қуйқаларни кўчириш ва ювиш хусусиятларига эга, олтингугуртли органик реагентлар асосидаги композициялардан минерал тузлар тўпланишига қарши ингибиторлар олиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда олтингугуртсақловчи бирикмалар асосида минерал тузлар тўпланиши ингибиторлари ишлаб чиқариш, кимё, нефт-газ ва бошқа турдош тармоқларни ривожлантириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, полидентат бирикмаларнинг полифункционал гуруҳли синфларини синтезлаш, металлларнинг коррозиясини келтириб чиқармайдиган, қурилмаларда мавжуд қуйқаларни кўчириш ва ювиш хусусиятларига эга, кўп компонентли минерал тузлар тўпланишига қарши ингибиторлар таркиби ва технологияларини ишлаб чиқиш ва хоссаларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда бўлаётган бугунги ислохотлар даврида маҳаллий хомашёлар асосида янги турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни импорт ўрнини босувчи реагентлар сифатида қўллаш, амалиётга жорий этиш муаммосини ечишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, кимё ва нефт-газ саноати корхоналарини модернизация қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш, хомашёларнинг янги захираларини яратиш, улар асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш борасида муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш»¹ вазифаси белгилаб берилган. Бу борада альдегидларнинг аминлар ва амидлар билан конденсатланиш жараёнлари орқали олтингугуртсақловчи маҳсулотлар олиш, минерал тузлар тўпланишига қарши мавжуд арзон хомашё асосида халқаро бозорда рақобатлаша оладиган препаратлар яратиш, қурилмаларда мавжуд қуйқаларни кўчириш ва ювиш хусусиятларига эга полидентат композициялар таркибини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-8939-сон «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сон «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаби юқори бўлган маҳсулот ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони..

белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технология ва нанотехнология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг барча саноати ривожланган давлатларида альдегидлар, аминлар ва амидлар асосида олтингугуртсақловчи органик бирикмаларнинг янги турларини ўрганиш ва улардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ тадқиқотлар бўйича Chelucci G., Thummel R., Kwong H.-L., Yeung H.-L., Yeung C.-T., Lee W.-S., Glover J., Plieger P., Rowlands G., Singh P., Singh V., Arena C., Arico G., Kocovsky P., Malkov A., Раимов Ф.И., Исаев П.П., Летунов В.И., Зайцева Е.А., Темкина В.Я., Колпакова И.Д., Кашавцев В.Е., Юсупбеков Н.Р., Сирлибоев Т.С., Юсупов Д., Курбанов Ф., Ширинов Х.Ш., Керемецкая Л.В., Пак В.В., Икрамов А., Жалилов А.Т., Магруппов Ф.А., Мусаев У.Н., Турабджанов С.М., Кадиров Х.И. лар илмий ишлар олиб боришган.

Улар томонидан альдегидлар, аминлар ва амидлар билан конденсатланиш орқали кислород, азот ва фосфорли гуруҳлар сақловчи ҳосилаларини синтезлаш жараёнлари тадқиқ қилинган, энергетика, гидрометаллургия, кимё, нефт-газ қазиб чиқариш ва қайта ишлаш саноатида фойдаланилувчи минерал тузлар тўпланиши ва коррозия ингибиторлари ишлаб чиқариш технологиялари амалиётга жорий қилинган.

Шу билан бирга карбонилли бирикмаларнинг аминлар ва амидлар асосида умумлашмаган электрон жуфтлари мавжуд олтингугуртли полидентат бирикмалар олиш, физик-кимёвий ва технологик хоссаларини тизимли тадқиқ қилиш, уларни минерал тузлар тўпланишини ингибиторлаш хусусиятларини аниқлаш, бу турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг камбосқичли, энергиятежамкор технологияларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-ФЗ-143 «d- ва f-электрон конфигурацияга эга металлларнинг тузилиши ва кимёвий боғланиш табиати, улар асосида янги белгиланган хусусиятга эга кимёвий бирикмаларни шакллантириш қонуниятларини башоратлаш ва ўрганиш» (2005-2009 йй.) ва И-6-070 «Маҳаллий хом-ашёлар асосида минерал туз тўпланишига қарши янги ингибиторлар синтез қилиш, хоссаларини ўрганиш ва технологиясини яратиш» (2009-2011 йй.) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Тахиятош иссиқлик электростанция шароитида ишлатиш учун маҳаллий хомашёлар асосида минерал тузлар тўпланишига қарши ингибиторлар таркиби ва технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

альдегидларни тиомочевина билан ишқор ва кислота муҳитида конденсатланиш қонуниятларини тадқиқ қилиш;

ёғ қатори амидлари ва ароматик аминларга хос реакция механизмлари, жараёни чизикли метилолҳосилалари ҳосил бўлиш бўйича олиб бориш шароитларини, ҳосил бўлган маҳсулотларнинг таркиб ва тузилишини аниқлаш;

олинган полидентат бирикмаларни турли қаттиқликдаги сувларда минерал тузлар тўпланишидан ҳимоялаш самарадорлигини тадқиқ қилиш;

Тахиятош иссиқлик электростанцияси градирнийсида фойдаланиш учун минерал тузлар тўпланиши ингибиторлари таркибини тавсия этиш;

тузилиши ва хусусиятлари аввалдан белгиланган маҳсулотлар - полидентант бирикмалар олиш технологиясини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида карбонилли бирикмалар, аминлар ва амидларнинг олтингугуртсақловчи ҳосилалари, минерал тузлар тўпланиши ингибиторлари ва Тахиятош иссиқлик электростанцияси градирнийси олинган.

Тадқиқотнинг предмети олтингугуртсақловчи полидентант бирикмалар синтез қилиш ва улар асосида минерал тузлар тўпланиши ингибиторлари ишлаб чиқариш технологияси ташкил этган.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари, ИҚ-, ПМР-, хром-масс-спектроскопик, электрон-микроскопик усуллар, элемент таҳлили, RMZ квант-кимёвий усул, STAT компьютер дастури ҳамда физик-механик, технологик ва фойдаланиш хусусиятларини аниқлашдаги стандартлаштирилган синов услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

формальдегиднинг тиомочевина билан натрий бисульфити иштирокида мақбул шароитларда - ҳарорат 80 °С, дастлабки реагентлар 1:2:2 моль нисбатларида каталитик миқдор асос муҳитида таъсирлашувидан чизикли тузилишли метиленҳосилалар ҳосил бўлиши исботланган;

сульфометиллаш жараёни механизми асосланиб, метиленсульфонат-анилин (МСА) < диметиленсульфонатанилин (ДМСА) < диметиленсульфонат-мочевина (ДМСМ) < диметиленсульфонаттиомочевина (ДМСТМ) қаторида ҳосил бўлиш фаоллик қонунияти исботланган;

мочевина ва тиомочевинанинг формальдегид билан натрий бисульфит иштирокида моно- ва диметиленсульфонат ҳосилалари ҳосил бўлиши асосланиб, қаттиқлиги 9 мг/экл.л бўлган сувларда минерал тузлар тўпланишининг самарали ингибиторлари эканлиги (>90 %) исботланган;

тиомочевинанинг сульфометиленҳосилалари, моноэтаноламиннинг куб қолдиғи ва орғанофосфонатлар асосида самарали композициялар таёрланиб, 4,0 мг/л концентрацияда минерал тузлар тўпланишидан 91,2 % ингибирлаши аниқланган;

Тахиятош иссиқлик электростанцияси шароитида қўллаш учун маҳаллий хомашёлар асосида минерал тузлар тўпланишига қарши ингибиторлар таркиби ва технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

карбонилли бирикмаларнинг аминлар ва амидлар билан конденсатланиши орқали метиленҳосилалар олишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

Тахиаташ иссиқлик электростанцияси шароитида ишлатиладиган сувларнинг минералланиш таркиби аниқланган ва минерал тузлар тўпланиши ингибитори композицияси ишлаб чиқилган;

минерал тузлар тўпланиши ингибитор ишлаб чиқариш технологияси яратилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги таҳлилда замонавий физик-кимёвий тадқиқот услублари ва олтингугуртсақловчи полидентант бирикмалар синтези, минерал тузлар тўпланиши ингибиторлари олиш технологияларини саноатга жорий қилиниши ва ишлаб чиқарилиши билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти альдегидларнинг аминлар ва амидлар билан конденсацияси орқали олтингугуртли полидентант бирикмалар олиш ҳамда минерал тузлар тўпланиши ингибиторлари ишлаб чиқариш илмий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хом-ашёлар асосида импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош минерал тузлар тўпланишига қарши ингибиторларнинг янги самарали таркибларини олиш технологияси ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Карбонилли бирикмаларнинг аминлар ва амидлар билан конденсатланиш реакцияларидан минерал тузлар тўпланишини ингибирлаш хусусиятларига эга полидентант бирикмалар ишлаб чиқариш бўйича олинган натижалар асосида:

маҳаллий хомашёлар карбонилли бирикмалар ва амидлар асосида олинган олтингугуртли полидентант бирикмалар «Тахиятош иссиқлик электростанцияси» АЖда амалиётга жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ижтимоий-маданий ривожлантириш ва жамоат бирлашмалари масалалари қўмитасининг 2021 йил 29 октябридаги №05-636-сон маълумотномаси). Натижада, корхона қурилмаларини минерал тузлар тўпланишидан ҳимоялаш имконини берган;

карбонилли бирикмалар ва тиомочевинанинг конденсатланишидан олинган метиленҳосилалар асосида минерал тузлар тўпланиш ингибиторлари «SUMONO» МЧЖда амалиётга жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ижтимоий-маданий ривожлантириш ва жамоат бирлашмалари масалалари қўмитасининг 2021 йил 29 октябридаги №05-636-сон маълумотномаси). Натижада, хориждан келтирилаётган ИОМС-1 минерал тузлар тўпланиши ингибиторини тўлиқ алмаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинди, муҳокамадан ўтказилди ва қўллаб-қувватланди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий

натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловаларни ташкил этади. Диссертация ҳажми 102 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот иши натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Полидентат бирикмалар синтези ва хусусиятларини тадқиқ қилиш**» деб номланган биринчи бобида мавзуга доир илмий тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил баён этилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий таҳлил қилинган. Агрессив муҳитларда ишловчи қурилмаларни муддатидан аввал ярқисиз ҳолга келишни олдини олувчи, мавжуд қуйқаларни кўчириш ва ювиш хусусиятларига эга, олтингугуртли органик реагентлар асосидаги композициялардан минерал тузлар тўпланишига қарши ингибиторлар олиш тадқиқотчилар томонидан кенг ўрганилган. Эълон қилинган ишларни танқидий таҳлил қилиш натижасида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг «**Изланиш объектлари, олинган моддаларнинг физик-кимёвий хоссалари, олиниш ва тадқиқ қилиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларда қўлланилган усулларнинг баёни ва хомашёларни танлаш бўйича маълумотлар келтирилган. Хомашёлар ва олинган маҳсулотларнинг таркиби, тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлашда замонавий таҳлил усулларида фойдаланилган. Олтингугуртли органик реагентлар асосидаги композициялардан минерал тузлар тўпланишига қарши ингибиторлар олиш учун маҳаллий карбонилли бирикмалар, аминлар ва амидларнинг конденсатланиш усуллари, синтез қилинган моддаларнинг таркиби ва тузилишини аниқлашнинг физик-кимёвий усуллари баён этилган ва усуллари танланган.


Диссертациянинг «**Сульфометиллаш жараёнлари мақбул шароитлари ва улар асосида минерал тузлар ингибиторлари олиш борасидаги тадқиқотлар**» деб номланган учинчи бобида карбонилли бирикмаларнинг аминлар ва амидлар асосида умумлашмаган электрон жуфтлари мавжуд олтигугуртли полидентат бирикмалар олиш ва конденсатланиш реакциялари тадқиқ қилиш жараёнлари ёритилган. Шунингдек, маҳсулотларнинг ҳосил бўлиш унумига турли хил омиллар (органик эритувчилар ва катализаторлар табиати ҳамда микдори, ҳарорат, реакция давомийлиги ва бошқалар) таъсирини

аниқлаш натижалари, конденсатланиш жараёнларининг кинетикасини ўрганишда олинган маълумотлар, физик-кимёвий ва технологик хоссаларини тизимли тадқиқ қилиш, уларни минерал тузлар тўпланишини ингибиторлаш хусусиятларини аниқлаш, ингибирлаш механизми тавсия этилган.


Маълумки, моно-, ди- ва триметилоламин ва мочевина каби метилол гуруҳлари сақловчи полидентат бирикмалар муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, халқ хўжалиги ва саноатнинг турли тармоқларида фойдаланиб келади. Бу турдаги моддалар молекулаларидаги метилол гуруҳларининг сони ортиши билан дентантлиги ошиб, металл, метаол оксидлари ва гидроксидлари билан мустаҳкам комплекс боғлар ҳосил қилиш имконияти ортади.

Полидентат бирикмалар ассортиментини кенгайтириш ва минерал тузлар тўпланишига қарши янги турдаги ингибиторлар синтез қилиш мақсадида аминлар ва амидларнинг карбонилли бирикмалар билан реакциялари ўрганилди.


Тиомочевинанинг формальдегид билан натрий бисульфит иштирокидаги конденсацияси натижасида диметиленсульфонат тиомочевина (ДМСТМ) синтезланди. Реакция қуйидаги схема бўйича амалга ошади:



Тиомочевинани сульфометиллаш жараёнининг механизми таклиф этилди. Реакциянинг дастлабки босқичида формальдегид натрий бисульфит билан таъсирлашади ва бу реакцияда ўзига хос нуклеофил S - гидросульфид аниони иштирок этади. Формальдегид молекуласидаги карбонил гуруҳи кучли кутбланган бўлгани учун юқори кутблана олувчанлик намоён этади. Гидросульфит анионидаги олтингугурт атоми ўзининг умумлашмаган электрон жуфтлари билан карбонил гуруҳи углеродини ўзига тортади ва бунинг натижасида улар орасида боғ ҳосил бўлади:




Ҳосил бўлувчи оралик маҳсулот беқарор бирикма бўлиб, гидроксил гуруҳининг сиқиб чиқарилиши ва гидросульфит анионидан водород ионининг миграцияси амалга ошиши билан барқарорлашади.



Ҳосил бўлувчи оралик карбоний ионига тиомочевинанинг таъсири натижасида, аминогуруҳдаги ионлашган водород атоми ва гидроксил иони билан

H₂O ҳосил бўлади. Натижада локаллашган бирикма - монометиленсульфонат тиомочевина ҳосил бўлади.

Монометиленсульфонат тиомочевина бошқа оралик маҳсулот билан диметиленсульфонаттиомочевина ҳосил қилиб таъсирлашади:



Реакция кучсиз ишқорий муҳитда, турли ҳароратлар чеграсида, вақт давомийлигида ва дастлабки хомашларнинг турли нисбатларида амалга оширилади (1-жадвал).

1-жадвал

Диметиленсульфонат тиомочевина (ДМСТМ) ҳосил бўлиш унумига ҳарорат ва дастлабки хомашлар миқдорининг боғлиқлиги (реакция давомийлиги 4 соат)

Дастлабки хомашлар нисбати, моль	Ҳарорат, °C	Маҳсулот унуми, %	Қўшимча маҳсулотлар миқдори, %
1:1:1	40	13,9	86,1
	60	17,5	82,5
	80	27,2	72,8
	100	20,1	79,9
	120	18,2	81,8
1:2:2	40	56,2	43,8
	60	74,9	25,1
	80	89,2	10,8
	100	78,6	21,4
	120	63,3	36,7
2:2:1	40	42,8	57,2
	60	45,2	54,8
	80	52,5	47,5
	100	46,3	53,7
	120	44,8	55,2
1:4:4	40	23,7	76,3
	60	29,0	71,0
	80	42,2	57,8
	100	33,6	66,4
	120	28,4	71,6

Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида реакция давомийлиги 4 соат, дастлабки хомашлар нисбатлари моль улушлар 1:1:1, 1:2:2, 2:2:1 ва 1:4:4 ҳамда ҳароратлар чегараси 40 - 120°C бўлганда ДМСТМ ҳосил бўлишининг максимал миқдорлари 89,2 % га 3 соат, 80 °C ҳарорат ва 1 моль тиомочевинага 2 мольдан формальдегид ва натрий бисульфит бўлганда эришилишини кўрсатади.

Дастлабки хомашёларнинг миқдори ортиши ва ҳароратнинг янада кўтарилиши билан ДМСТМ ҳосил бўлиш унуми камайиб, кўшимча маҳсулотлар монометиленсульфонат ва тетраметилинсульфонат тиомочевиналар ҳосил бўлиш унуми ортади. ДМСТМ ҳосил бўлишига ҳароратнинг таъсири ўрганилди (2-жадвал).


2-жадвал

Турли ҳароратларда ДМСТМ унумига реакция давомийлигининг таъсири (тиомочевина : формальдегид : натрий бисульфит нисбатлари 1:2:2)

Реакция давомийлиги, соат	Ҳарорат, °C	ДМСТМ унуми, %
2	60	47,2
	80	52,5
	100	50,8
4	60	74,9
	80	89,2
	100	78,6
6	60	68,1
	80	76,6
	100	71,3

ДМСТМ синтезлашнинг юқори унуми реакцияни 4 соат давомида 80 °C да амалга оширилади. Реакцияни 2 соат давомида олиб бориш дастлабки реагентларнинг тўлиқ таъсири амалга ошмаслиги, монометил ол ҳосилалар миқдорининг юқорилиги билан асосланади. Реакция 6 соат давом эттирилганда эса диметиленсулфонат тиомочевинанинг қисман парчаланиши ва ДМСТМ ҳосил бўлиши унумининг камайишига олиб келади.

Олинган маҳсулотнинг тузилиши ИҚ-спектроскопия (1-расм), таркиби эса элемент таҳлили орқали аниқланди.




Маҳслоут

	N-H	-C-N	-CH₂-	O=S=O	C=S
ДМСТМ	3425-3445	1190-1205	1450-1470	1040-1070	740-760


1-расм. ДМСТМ ИҚ-спектри

ДМСТМ ИҚ-спектрининг 3425-3445 см^{-1} ютилиш чизикларида -N-H гуруҳига таълуқли валент тебранишлари, 740-760 см^{-1} ютилишида эса C=S боғга мос келувчи тебранишлар, 1450-1470 см^{-1} да -CH₂- гуруҳига таълуқли деформацион тебранишлар, 1045-1070 см^{-1} ютилишида O=S=O гуруҳига мос келадиган валент тебраниш ҳамда 1190-1205 см^{-1} ютилишида -C-N боғ билан мос келувчи валент тебранишлар мавжудлиги аниқланди.

Синтезланган моддаларнинг тузилиши, элемент таркиби ва квант-кимёвий константлари аниқланди. ДМСТМ молекулаларининг геометрияси ва электрон тузилиши РМЗ квант-кимёвий яримэмперик усулида аниқланди (2 ва 3 - расмлар).



2-расм. ДМСТМ 3D тузилиши



3-расм. ДМСТМ молекуласидаги электронлар зичлигининг тақсимланиши

Олинган ДМСТМ маҳсулоти сувда яхши эрийди ва минерал тузлар тўпланиши ингибитори сифатида синаб кўрилган. Эталон сифатида саноат ингибиторлари ИОМС-1 ва ОЭДФ билан таққосланган (3-жадвал).

3-жадвал

ДМСТМ ингибирлаш фаоллигининг концентрациясига боғлиқлиги,
(T = 80 °C)

Ингибитор концентрацияси, мг/л	Ингибирлаш самараси, %			
	Сувнинг қаттиқлиги, мг·эқв/л			
	Қўқонд ш., 4-5	Янгиюль ш., 6-7	Навойи ш., 8-11	Нукус ш., 9 - 17
1,0	81,0	75,4	72,0	75,4
2,0	86,0	80,5	76,4	76,5
3,0	91,0	90,5	86,8	81,0
4,0	92,5	91,2	88,0	87,2
5,0	93,0	92,1	90,3	89,0
6,0	93,0	94,0	91,0	92,0
ИОМС-1, 4,0	93,0	92,0	91,0	90,0
ОЭДФ, 4,0	90,0	88,0	87,0	86,0

Олинган натижалар ДМСТМ минерал тузлар тўпланишига қарши самарали ингибитор эканлигини кўрсатиб, концентрациясининг ортиши билан ингибирлаш самараси ҳам ортади. Масалан, 4,0 мг/л концентрацияларда нисбатан юмшоқ сувларда (4 - 5 мг·экв/л) да 92,5 % бўлса, қаттиқ сувларда 87,2 % ни ташкил этади. Бу кўрсаткичлар 6.0 мг/л бўлганда эса ингибирлаш самараси мос равишда 93,0 ва 92,0 % ларгача этади. Ингибирлаш самараси саноат ингибиторлари ИОМС-1 ва ОЭДФ билан таққосланганда деярли бир хил меъёрлардаги кўрсаткичларга эга эканлиги кузатилади.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида истеъмолдаги сувни барқарорлаштириш учун ОЭДФ ингибиторидан фойдаланилиб, унинг сарф меъёрлари 1,0 дан 4,0 г/м³ гача этади. Синтезланган ДМСТМ Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонаси сув таъминотида ҳам минерал тузлар тўпланиши ингибиторлари сифатида синаб кўрилди ва соф ҳолатида кичик самара намоён этиши аниқланди. Шу билан бирга олинган натижалар 65 % ДМСТМ, 25 % тринатрийполифосфат ва 10 % моноэтанолламинни вакуумда ҳайдаш куб қолдиғи минерал тузлар тўпланишига қарши самарали композиция эканлигини кўрсатади. Бу таркиб ингибитори шартли равишда ИОМС-экстра-II деб номланди. ИОМС-экстра-II ингибиторининг минерал тузлар тўпланишидан ингибирлаш самарадорлиги 4-жадвалда ОЭДФ билан таққослаб берилган.

4-жадвал

ИОМС-экстра-II препаратининг ОЭДФ билан қиёсий ингибирлаш фаоллиги




Ингибитор	Ингибитор концентрацияси, мг/л	Ингибирлаш самарадорлиги, %
ИОМС - экстра - II	20,0	76,0
	30,0	83,0
	40,0	91,0
ОЭДФ	20,0	30,0
	30,0	41,0
	40,0	59,0
	200,0	90,0

Жадвалдан кўринадикки, синтезланган ДМСТМ асосида тайёрланган ИОМС-экстра-II препарати 40,0 мг/л концентрацияларда 91,0 % самара билан минерал тузлар тўпланишидан ингибирлайди. ОЭДФ нинг максимал самараси эса 90,0 %, 200 мг/л концентрацияларда кузатилади. Ўзи ўзидан кўринадикки, ИОМС-экстра-II ингибитори ОЭДФ га нисбатан 5 маротаба кам сарфланади.


ДМСМ ва ДМСТМ нинг Са⁺² ионлари билан барқарор комплекс ҳосил қилиши, юқори ингибирлаш самарасини намоён этиши унинг кимёвий тузилиши билан боғлиқ (4 ва 5 - расмлар).

ДМСТМ молекуласидаги 4 атом кислородларининг мавжудлиги металлар билан барқарор комплекслар ҳосил қилиш имконини беради, 2 та азот ва 1 та олтингугурт атомларининг сақланиши эса умумлашмаган электрон жуфтлари орқали металл катионлари билан мустаҳкам донор-акцептор боғлар ҳосил

бўлишини таъминлайди. Мос равишда 2 моль ДМСМ ёки ДМСТМ 3 моль Ca^{+2} ионларини бириктиради, яна 6 моль Ca^{+2} ионлари кейинги ингибитор звеноси билан комплекслар ҳосил қилиш имкониятларига эга бўлади.



4-расм. ДМСМ комплексонати тузилиши




5-расм. ДМСТМ комплексонати тузилиши

Кислород атомининг электроманфийлиги азот атоми электроманфийлигидан катта бўлгани учун NH -гурухидаги азот атоми кетогурух томонга қисман силжийди ва Ca^{+2} ионлари билан осон комплексонат ҳосил қила олади. Электронларга мойллиги юқори бўлган олтингугурт атоми ҳам комплексонат ҳосил бўлишида иштирок этади ва металл ионларининг барқарор боғланишини таъминлайди. ДМСТМ ҳосилалари ҳолатида металл комплексонатлари ҳосил бўлишида нафақат азот ва олтингугурт атомларидаги умумлашмаган электрон жуфтлари, балки улардаги эркин d (ёки f)-орбиталлар ҳам иштирок этади. Натижада ДМСТМ нинг ингибирлаш самараси ДМСМ нисбатан юқори бўлади ва бу билан комплексоннинг ингибирлаш самараси комплекс ҳосил қилувчи лиганднинг дентантлиги билан боғлиқлигини исботлайди.

Шундай қилиб, маҳаллий хомашёлар карбамид, тиокарбамид ва формальдегид асосида комунал сув таъминоти ва иссиқлик электростанцияла-

рида фойдаланиш имкониятларини берувчи минерал тузлар тўпланишига қарши янги ингибитор синтез қилинди.

Полидентант маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш мақсадида анилиннинг формальдегид билан реакцияси натрий пиросульфит иштирокида кучиш асос муҳитда ўрганилди. Реакция қуйидаги схема бўйича боради:



Маълумки, ингибирлаш самараси молекуладаги сульфонат ва аминогурӯларнинг сони ва ўзаро жойлашувчи билан боғлиқ: функционал гуруҳлар кўп бўлиши ингибирлаш фаоллигининг юқори бўлишига сабаб бўлади.


Олинган препаратлар асосида тринатрийполифосфат ва моноэтаноламинни вакуумда ҳайдаш куб қолдиғи қўшилиб тайёрланган композиция нефтни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш қурилмаларини минерал тузлар тўпланишидан ҳимояловчи ингибитор сифатида синаб кўрилди. Аниқландики тайёрланган композиция минерал тузлар тўпланишига қарши самарали ингибитор бўлиб, унинг ҳимоялаш самарадорлиги 94 % гача етади. ДМСТМ препаратининг минерал тузлар тўпланишидан ингибирлаш самараси, карбамид (ДМСМ) ва анилиннинг моно- (МСА) ва ди- (ДМСА) метилен ҳосилалари билан таққослаб кўрилиб, қуйидаги самаранинг ортиб бориш қатори тавсия этилди:



Диссертациянинг «**Минерал тузлар тўпланишига қарши ингибиторлар олиш технологияси**» деб номланган тўртинчи бобида тиомочевина ва формальдегиднинг натрий бисульфиди иштирокидаги конденсатланиш реакцияси маҳсулоти диметиленсульфонат тиомочевина асосида минерал тузлар тўпланишига қарши ингибиторлар олиш технологик тизими ишлаб чиқилган.


Минерал тузлар тўпланишига қарши ингибиторларнинг мақбул таркибларини аниқлаш ва максимал самарасини белгилаш мақсадида тизимли таҳлил асосида тажриба маълумотларига статистик ишлов бериш, корреляцион ва регрессион таҳлиллар тадқиқотлари олиб борилди.

ДМСТМ синтезлаш жараёнларининг мақбул параметрларини аниқлаш ва маҳсулот унимини максимал қийматларига эга бўлиш мақсадида технологик жараён босқичлари Бокс-Уилсон усулида математик оптималлаштирилди (6-расм). Асосий босқичларнинг муҳим омиллари белгилаб олиниб, тажриба натижалари регрессион тенгламалар ҳолатида, дисперсиянинг бир жинслилиги Кохрен критерияси бўйича текширилди.



6-расм. Уч омил учун асосий кўрсаткичлар чегараси

ДМСТМ ҳосил бўлиш унимининг максимал қийматлари учун жараённинг математик модели тузилиб, асосий омиллар аниқланди (7-расм).



7-расм. Уч омил учун мақбул кўрсаткичлар

Тиомочевина ва формальдегид асосида ДМСТМ минерал тузлар тўпланиши ингибитори ишлаб чиқариш технологик тизими Тошкент кимё-технология институти томонидан Навоий шаҳридаги «Электрокимё завод» АЖ инженер-техник ходимлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди. Жараёни кўрсатиш учун ТКТИДа тажриба ускунаси ўрнатилди.

Жараён даврий, битта технология тизимидан иборат. Қурилма қуввати - белгиланган.


Ишлаб чиқилган минерал тузлар тўпланиши ингибитори олиш тиомочевинанинг формальдегид билан натрий бисульфиди иштирокида 80 °С конденсатланишига асосланган.

Синтезланган «ДМСТМ» минерал тузлар тўпланиши ингибитори қовушқоқ кучсиз формальдегид ҳидли суюқлик. Минерал тузлар тўпланиши ингибиторларига қўйилган меъёр ва шартларга мос келади (5-жадвал).

«ДМСТМ» ингибиторининг асосий физик-кимёвий ва эксплуатацион хусусиятлари

№	Кўрсаткичлар номи	Меъёр
1.	Ташқи ҳолати	Қовушқоқ кучсиз ҳидли суюқлик
2.	Формальдегиднинг масса улуши, % дан кўп эмас	0,1
3.	ВЗ-4 бўйича қовушқоқлиги, сек	50÷60
4.	Сувли эритмасининг рН	8,0÷9,0
5.	Кальций карбонат ва сульфат бўйича ингибирлаш самараси, % дан кам эмас	90,0
6.	Қуруқ қолдиқнинг масса улуши, %	45 – 50

«ДМСТМ» ингибитори ишлаб чиқариш принципиал технологик схемаси 8-расмда келтирилган.



8-расм. «ДМСТМ» ингибитори ишлаб чиқариш принципиал технологик схемаси

E₁ - формальдегид (формалин) учун сиғим; B₂ - тиомочевина учун бункер;
 B₃ - натрий пиросульфит учун бункер; E₄ - сув учун сиғим; R₅ - реактор;
 F₆ - фильтр; S₇ - қуритгич; E₈ - тайёр маҳсулот ингибитор учун сиғим.

E₁ сиғимдан R₅ реакторга ҳисобланган миқдорларда тиомочвина ва сув юкланиб, интенсив аралаштириб турилган ҳолатида тиомочевинанинг сувли эритмаси тайёрланади. R₅ реакторга шунингдек E₁ сиғимдан формальдегиднинг

37,5 %-ли сувли эритмаси, E₃ сиғимдан эса натрий бисульфитнинг аввалдан тайёрлаб олинган сувли эритмаси юборилади.

R₅ реактор вертикал цилиндрик қурилма бўлиб, ҳажми 1,9 м³, зангламас пўлатдан тайёрланган. Аралашма белгиланган ҳароратларда 3 соат давомида интенсив аралаштирилади. Конденсация натрий ишқори иштирокида олиб борилади. Реакцион аралашманинг қовушқоқлиги ВЗ-4 бўйича 40 сония бўлганда, реакцион аралашма филтрланади. Аралашма таркибидаги сувда эримайдиган қисми филтрланиб, сўнгра сепараторга берилади. Сепараторда асосий маҳсулот қўшимчалардан ажратилади. Сўнгра технологик тизимни икки мақсадларга йўналтириш мумкин: 1) агар тоза сульфометилен ҳосилалар олиш мақсад қилинган бўлса, реакцион аралашма 100±5 °С 3 соат давомида қуритилиб, майдалангандан сўнг тайёр маҳсулот омборига юборилади ва 2) агар суюқ ҳолатида минерал тузлар ингибитори сифатида фойдаланиш мақсад қилиб олинган бўлса, филтрдан сўнг қадоқлашга юборилади.

б-жадвалда хомашё, материаллар ва энергия ресурсларининг йиллик меъёрий сарфи келтирилган.

б-жадвал

Хомашё, материаллар ва энергия ресурсларининг йиллик меъёрий сарфи

№	Хомашё, материаллар ва энергия ресурслар номи	Ўлчов бирлиги	1 тонна тайёр маҳсулот учун сарф, кг
1.	Тиомочевина	Кг	318,0
2.	Формалин	Кг	318,0
3.	Натрий пиросульфит	Кг	789,0
4.	NaOH	Кг	14,0
5.	Аммоний хлорид	Кг	18,5
6.	Сув	Л	2038
7.	Электроэнергия	минг кВт	1,12
8.	Буғ	Гкал	0,180

Тиомочевина, формальдегид ва натрий пиросульфит асосидаги минерал тузлар тўпланиши ингибиторлари ишлаб чиқаришдан кўриладиган иқтисодий самарадорлик:

И.с. = 5 760 000 – 2 095 824, 06 = 3 664 175, 94 сўм 1 тоннасига.

Ўз навбатида йилига 100 тонна ишлаб чиқарилишидан кўриладиган иқтисодий самарадорлик:

И.с. = 3 664 175, 94 × 100 = 366 417 594 сўмни ташкил этади.

ХУЛОСАЛАР

1. Маҳаллий саноат хомаёшларидан тузилиши аввалдан белгиланган полидентант бирикмалар синтез қилиш ва улар асосида композицион таркиблар тайёрлашнинг юқори самарали усули тавсия этилди.

2. Олинган полидентат бирикманинг таркиби ва тузилиши ИҚ-, ПМР-спектроскопия, ГСХ ёрдамида аниқланиб, элементлар таҳлили, тайёр

маҳсулотнинг квант-кимёвий ва молекулар-динамик ҳисоблашлар асосида ДМСТМ нинг комплексонлари тузилиши, маҳсулот ҳосил бўлиш, реакция шароитларининг мақбул параметрлари тавсия этилди.

3. Мочевина ва тиомочевинанинг формальдегид билан натрий бисульфит иштирокида моно- ва диметиленсульфонат ҳосилалари асосида олинган маҳсулотлар соф ҳолатида ва композицияларда минерал тузлар тўпланиши ингибиторлари сифатида тавсия этилди.

4. Олинган маҳсулотлар соф ҳолатида минерал тузлар тўпланишидан 90,5 - 92,5 % самара билан ингибирлаши ҳисоблаб чиқилиб, металллар билан барқарор комплексонатлар ҳосил қилиши механизми тавсия этилган.

5. ДМСТМ, тринатрийполифосфат (25%) ва моноэтаноламинни вакуумда ҳайдаш куб қолдиғи (10%)дан иборат таркиб, нефт қазиб чиқариш ва қайта ишлаш саноати қурилмаларини минерал тузлар тўпланишидан ингибирловчи самарали препарат эканлиги аниқланди.

6. Сульфометилен гуруҳлари сақловчи лигандлар синтез қилиниб, ингибирлаш самараси таққосланиб, $MCA < DMCA < DMSM < DMSTM < ИОМС-экстра-II$ фаоллик қатори тавсия этилди.

7. ДМСТМ синтезлаш ва унинг асосида минерал тузлар тўпланиши ингибиторлари ишлаб чиқаришнинг бир босқичли технологияси тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

**КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ,
ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

КАИПБЕРГЕНОВА ГУЛЖАМИЛА РАСБЕРГЕНОВНА

**СИНТЕЗ И ТЕХНОЛОГИЯ СЕРОСОДЕРЖАЩИХ ИНГИБИТОРОВ
ОТЛОЖЕНИЯ МИНЕРАЛЬНЫХ СОЛЕЙ**

02.00.14 - Технология органических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2020.3.PhD/T883.

Диссертация выполнена в Каракалпакском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице (ik-kimyo.nuu.uz) научного совета и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Кадилов Хасан Иргашевич
доктор технических наук (DSc), доцент

Официальные оппоненты:

Кадилов Тулкин Жумасвич
доктор технических наук, профессор

Каримов Масъуд Убайдулла угли
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация:


ГУП «Фан ва тараккиёт»


Защита диссертации состоится «24» 11 2021 г. в «11» часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-21; факс: (+99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz).


Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за №19, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-21).

Автореферат диссертации разослан «11» 11 2021 года.
(протокол рассылки № _____ от 11.11. 2021 г.).




С.М. Туробжонов
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор


Х.И. Кадилов
Учёный секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., доцент


И. Газимов
Председатель научного семинара
Научного совета по присуждению
учёных степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и значимость темы диссертации. В настоящее время использование ингибиторов отложения минеральных солей в нефтегазовой, химической, энергетической, гидрометаллургической отраслях промышленности растет из года в год. В то же время важной и актуальной задачей является получение ингибиторов отложения минеральных солей на основе композиций серосодержащих органических реагентов для предотвращения досрочной изнашиваемости устройств, работающих в агрессивной среде, имеющих свойства расщеплять и вымывать накипеобразования и солеотложения.

В мире ведутся научные исследования по разработке и производству серосодержащих ингибиторов отложения минеральных солей для развития химической, нефтегазовой и других отраслей производства. В этом направлении особое внимание уделяется синтезу полифункциональных групп полидентатных соединений, предотвращающих коррозию металлов, имеющих свойства вымывать накипеобразования и солеотложения; разработке технологии производства состава многокомпонентных ингибиторов отложений минеральных солей.

В ходе проводимых в республике реформ особое внимание уделяется производству новых видов химической продукции на основе местного сырья, использованию их в качестве импортозамещающих реагентов, а также решению проблем их внедрения в практику производств. В частности, достигнуты определённые научные и практические результаты в модернизации предприятий химической и нефтегазовой промышленности, расширении видов конкурентоспособной продукции, создании новых запасов сырья и развитии технологии производства на их основе импортозамещающей продукции. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи по «модернизации предприятий химической промышленности, технического и технологического переоборудования производств»¹. В связи с этим важное значение имеет получение серосодержащих органических продуктов на основе реакций конденсации альдегидов с аминами и амидами; производство ингибиторов отложения минеральных солей на основе местного и доступного сырья, конкурентоспособных на мировом рынке; создание полидентатных композиций, имеющих свойство расщеплять и вымывать отложения минеральных солей.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №ПП-8939 от 17 января 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан», №ПП-3479 от 17 января 2018 года «О мерах по стабильному обеспечению отраслей экономики страны востребованными

¹Мирзиеёв Ш.М. Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы».

видами продукции и сырья», а также другим нормативно-правовым документам, принятым в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Во всех промышленно развитых странах мира проводятся исследования по изучению и целевому использованию новых видов серосодержащих органических соединений на основе альдегидов, аминов и амидов. Например, такие ученые Chelucci G., Thummel R., Kwong H.-L., Yeung H.-L., Yeung C.-T., Lee W.-S., Glover J., Plieger P., Rowlands G., Singh P., Singh V., Arena C., Arico G., Kocovsky P., Malkov A., Раимов Ф.И., Исаев П.П., Летунов В.И., Зайцева Е.А., Темкина В.Я., Колпакова И.Д., Кашавцев В.Е., Юсупбеков Н.Р., Сирлибоев Т.С., Юсупов Д., Курбанов Ф., Ширинов Х.Ш., Керемецкая Л.В., Пак В.В., Икрамов А., Жалилов А.Т., Магрупов Ф.А., Мусаев У.Н., Турабджанов С.М., Кадилов Х.И. провели научные исследования и получили весомые научно-исследовательские результаты по данному направлению.

Ими на основе конденсации альдегидов с аминами и амидами исследованы и разработаны синтез и технология кислородо-, азото- и фосфоросодержащих производных, которые в качестве ингибиторов коррозии и отложения минеральных солей применяются в химической, гидрометаллургической, энергетической и нефтегазовой промышленности.

